

CONTRACTUAL REGULATION OF LEGAL AID IN LAW FIRMS: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE T E Z I S

Mahmudov Umid Bakhronovich

Master of Tashkent State Law University

Head of the educational and methodical department of the Samarkand Regional Law College. Tel: (97) 613-40-00

Annotation. Thesis is devoted to the study of the features of legal regulation of legal services and conclusion and execution of agreements (contracts) by national and foreign state lawyers. The article analyzes and compares national and foreign experiences. It is concluded that legal aid in advocacy is one of the most complex and theoretically underdeveloped types of assistance, requiring recommendations to address gaps in existing legislation. An analysis of the practical application of legal aid and assignment contracts concluded by lawyers was conducted

АДВОКАТЛИК ФИРМАЛАРИДА ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ШАРТНОМАВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА Т Е З И С

Махмудов Умид Бахронович

Тошкент давлат юридик университети магистранти

Самарқанд вилояти юридик техникуми ўқув-методик бўлими бошлиғи. Тел:(97) 613-40-00

Аннотация. Тезис миллий ва хорижий давлат адвокатлари томонидан юридик хизмат кўрсатиш ҳамда битим (шартнома) ларни тузиш ва бажаришни ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Мақолада миллий ва хорижий тажрибалар таҳлил қилинади ва қиёсланади. Хулоса қилинадики, адвокатурада юридик ёрдамлар энг мураккаб ва назарий жиҳатдан ривожланмаган ёрдам турларидан бири бўлиб, амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беришни талаб қилади. Адвокатлар томонидан тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш ва топшириқ шартномаларининг амалий қўлланилиши таҳлили ўтказилди.

Хорижий тажрибани ўрганиш Ўзбекистон Республикасида адвокатлик институтининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномани малакалашда айрим тафовутларни бартараф этади.

Таянч иборалар: юридик ёрдам, ҳуқуқий хизмат, юридик хизмат, шартнома, топшириқ шартномаси, адвокат, ҳақ эвазига юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома. “judicare”, навбатчи адвокат.

Янги Ўзбекистонда “Инсон кадри учун” шиори остида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар қаторида жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим ўринга эга бўлган, юридик ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи Адвокатлик институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Адвокатура институти- ҳуқуқ тизимидаги алоҳида институт бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш унинг функционал вазифаси ҳисобланади. Фуқароларга адвокат ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси билан ҳуқуқий мустаҳкамланган. Унда “Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатуранинг ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади” деб кўрсатилган.¹

Жиноий судловларда фуқароларга юридик ёрдамни ҳимоячи сифатида фақат адвокат амалга ошириши мумкин. Бундан кўзланган мақсад фуқароларимизни қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишдир. Янги Ўзбекистоннинг III–Ренессансининг рўёбга чиқариш адвокатура институтини ҳам малака жihatдан янги сифат босқичига кўтаришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг II-йўналиши—“Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” нинг 19-мақсадида:

-Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш,

-аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш

-Адвокатура институтини тўлақонли ўз ўзини бошқариш тизимига ўтказиш

-Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидagi ҳисобдорлигини кучайтириш

-Адвокатура тизимига ёш малакали кадрларни жалб қилиш

-Адвокатлар малакасини ошириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари ва институционал асосларини шакллантириш

-Адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ортиқча бюрократия ва қоғозбозликка чек қўйиш

-Судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш

-Бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш, нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан оворагарчиликсиз, шу жумладан масофадан туриб ва «ягона дарча» тамойили асосида фойдаланишни таъминлаш бўйича аниқ мақсадли вазифалар белгиланди.¹

Бу эса адвокатура тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда янгича талабларни келтириб чиқармоқда.

Адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни шартномавий тартибга солишни миллий тажрибани, хорижий тажриба билан қиёслаган ҳолда илмий – таҳлилий ўрганиб чиқиш лозим.

Авваламбор адвокатлик юридик ёрдамини кўрсатиш борасидаги шартномани тузишда ҳам миллий, ҳам хорижий тажрибада қўлланиладиган шартнома тузишнинг фундаментал талаблари ўрнатиш лозим.

Адвокатлик фирмаларида юридик ёрдам кўрсатишни шартномавий тартибга солиш масаласи миллий қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси кодекслари билан тартибга солинган.

Адвокат билан тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) адвокат ва юридик ёрдам сўраган шахс ўртасида тузилади. Шартнома адвокат томонидан тақдим этилади ва оддий ёзма шаклда тузилади. Шартнома шартлари томонлар келишуви асосида белгиланади.

Адвокат томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилганда, аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатлар ёзиб берилганда, шартнома тузиш талаб этилмайди. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимнинг (шартноманинг) муҳим шартлари - топшириқни бажаришни ишончли вакил сифатида ўз зиммасига олган адвокат ҳақидаги, унинг гувоҳномаси реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар, топшириқнинг предмети, кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари, адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори, топшириқни бажаришни ўз зиммасига олган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти, **ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)** томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ

харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тегишли адвокатлик тузилмасининг кассасига кириш қилиниши ёки адвокатлик тузилмасининг **банкдаги ҳисоб варағига ўтказилиши шарт.**

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 9¹-моддасида "юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишув (шартнома)" атамаси белгилаб берилган ва ушбу турдаги "келишув (шартнома)" тушунчаси очиқ берилган. Қонуннинг 9¹-моддаси 1-қисмига кўра, адвокат билан вакил ўртасида тузилган шартнома асосида вакиллик қилади. Ушбу модданинг 2-қисмига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартнома эканлиги белгиланган.² Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик кодекси"нинг 1-моддаси Фуқаролик қонунчилигининг асосий негизларининг 2-бандида "Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрқларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадilar. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар"³ деб кўрсатилганини кўришимиз мумкин.

Адвокатлар томонидан фуқароларга юридик ёрдам кўрсатилади лекин шу билан бирга юридик хизмат кўрсатиш ҳам мавжуд. "Юридик хизмат" тушунчасига келсак, фуқаролик қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 703-моддасида¹, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий тартибга солишни белгилаб қўйган, аммо "хизмат" тушунчасининг таърифи келтирилмаган.

Бундан ташқари, фанда юридик ёки ҳуқуқий хизматлар нима эканлиги ҳақида умумий тушунча мавжуд эмас. Қонунчилик ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқларни назарда тутмайди.

Ҳуқуқий таълимотда қонунчилигимизнинг энг долзарб муаммоларидан бири—унификацияни талаб қилувчи атамаларнинг кўплиги муҳокама қилинаётганда, ушбу атамалар ўртасидаги муносабат масаласи кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, айрим муаллифлар (Т. И. Ильина, А. И. Муранов, Д. В. Новак, Г. К. Шаров) бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилмаслигини қайд этадилар.

Бошқалари эса, аксинча, уларга қарши туриб, ўз позициясини асослашга ҳаракат қилмоқда. Масалан, О. С. Понасюк "адвокатура доирасига қирадиган ҳамма нарса малакали юридик ёрдамдир, бу соҳага қирмайдиган нарса эса юридик хизматлардир", деб ҳисоблайди. Р. Р. Ленковская ҳуқуқий ва юридик хизматларни малакали юридик ёрдамдан фарқлаш керак, деб ҳисоблайди.

Юридик ёрдам тушунчаси кўплаб муаллифлар: О. Н. Бондар, М. В. Кратенко, Р. Г. Мелниченко, К. Е. Михайленко, В. Ю. Панченко, А. С. Плетен, Е. В. Януш ва бошқалар томонидан ўрганилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Айрим назарий ишланмалар мавжудлигини қайд этишимиз мумкин.⁴

Қонун ҳужжатларини, суд ва адвокатлик амалиётини, махсус адабиётларни ўрганиш асосида адвокат томонидан юридик хизматлар кўрсатиш шартномаси ва юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг хусусиятлари (умумий, бошқача ва махсус) тўғрисида баъзи хулосалар чиқариш мумкин.⁵

Юридик хизматлар ва юридик ёрдам тушунчалари ҳуқуқий табиати билан фарқланади (биринчи ҳолатда иқтисодий маънода ишлатилса, иккинчи ҳолатда конституциявий ҳуқуқни таъминловчи маънода).

Бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, қонунчиликда тегишли тартибга солинишини талаб қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8.12.1992 йил

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-ПФ-сонли Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни 27.12.1996 йил

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 29.08.1996 йил.

⁵ Панченко В. Ю. Подходы к понятию «юридическая помощь» в современном отечественном правоведении / В. Ю. Панченко // Российский юридический журнал. — 2012. — № 1 (82). — С. 18-27.

⁶ Штырина Н. С. Договор возмездного оказания юридических услуг / Н. С. Штырина // Viascientiarum – Дорога знаний. — 2018. — № 2. — С. 198–204.

⁷ Качественная юридическая помощь. Методология оценки и контроля М.: Институт «Право общественных интересов» (PIL), 2008.

Адвокатлик фирмаларида юридик ёрдам кўрсатишни шартномавий тартибга солиш масалалари бўйича хорижий тажрибани кўрадиган бўлсак, хорижий давлатларида давлат томонидан бепул юридик хизмат кўрсатишнинг шартномавий тартиби белгиланган.

Адвокатлик фирмаларида юридик ёрдам кўрсатишни шартномавий тартибга солиш масаласи хорижий давлатлар қонунчилигида ўзига хос хусусиятга эга.

Хорижий давлатларда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатишнинг турли хил кўринишларини кўйидагиларда кўришимиз мумкин.

Хусусан:

1) Шартномавий юридик ёрдам кўрсатиш моделининг (*judicare*) моҳияти шундаки, алоҳида давлат органи юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат, адвокатлик фирмаси ҳимояланувчи билан давлат бюджети маблағи ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузади. Ушбу модель Австрия, Англия, Австралия, Норвегия, Швеция, Канада давлатларида кенг қўлланилади.^[6] Бундай юридик ёрдам кўрсатиш модели тизими икки хил кўринишга эга:

а) “*judicare*” юридик ёрдам кўрсатиш моделининг “*purejudicar*” моҳияти шундаки адвокатлар кўрсатган юридик ёрдамлари учун хизмат ҳақини давлат ҳисобидан, тегишли маҳаллий ҳокимият органларидан ёки адвокатлар коллегиялари орқали оладилар.^[7]

б) “навбатчи адвокат”, “*duty counse*” юридик ёрдам кўрсатиш моделининг моҳияти шундаки, бепул адвокатлик ёрдамини кўрсатиш зарур бўлган ҳолатда адвокатга юридик ёрдам кўрсатгани учун ҳақ тўлаш қўллик тартибда амалга оширилади

2) Оммавий ҳимоячи юридик ёрдам кўрсатиш моделининг моҳияти шундаки, давлат ва жамоат органи ҳудудийлик принципи бўйича юридик ёрдам кўрсатувчи бюро, маслаҳат хайъати, хизмат, марказлар, комиссиялар томонидан мазкур ҳудуддаги аҳолининг кам таъминланган қатлами учун мақбул бўлган юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлайдилар.

Бундай юридик ёрдам кўрсатиш модели ва юридик ёрдам кўрсатиш тартиби Буюк Британия, АҚШ, Исроил, Шотландия, Литва, Россия, Украина каби давлатларда амалга оширилади.

3) «*ex officio*» юридик ёрдам кўрсатиш моделининг моҳияти шундаки, давлат жиноий-судлов ишини амалга оширадиган прокуратура, тергов, полиция, суд органлари профессионал адвокатлик ташкилотлари орқали юридик ёрдам кўрсатган адвокатга давлат бюджетидан хизмат ҳақи тўланишини таъминлайди.

Бундай модель асосан Собик Совет Республикалари, марказий ва шарқий Европа мамлакатларида кенг қўлланилади.

4) Аралаш юридик хизмат кўрсатиш моделининг моҳияти шундан иборатки, юқорида кўрсатилган иккита модель элементларини ўз ичига олган ҳолда, юридик ёрдам кўрсатиш мустақил давлат ташкилотлари орқали, адвокатлик бюроси, маслаҳат хайъати, хизматлар, марказлари (оммавий ҳимоячи) билан биргаликда шартнома асосида хизмат кўрсатувчи хусусий адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи адвокатларни ҳам шартнома асосида жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

Шу билан бирга бошқа моделларни (юридик клиника, “*pro bono*” модели “беминнат юридик хизмат кўрсатиш”) ҳам жалб қилади.

Ушбу моделлар комбинацияси - аҳолининг кам таъминланган қатламига юридик ёрдам кўрсатишнинг энг яхши танловидир.^[8]

Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фирмаларида юридик ёрдам хизматини профессионал даражада ташкил этишга эришиш ўз навбатида демократик ҳуқуқий давлат бунёд этишга, фуқаролик жамиятини шакллантиришда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, қолаверса, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Бундан кўриниб турибдики, адвокатлик фирмаларида юридик хизмат, унинг тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиши ва бу борадаги қонун ижодкорлигининг истиқболларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва илғор хорижий тажрибаларни миллий адвокатура институти фаолиятига имплементация (жорий) этиш мақсадга мувофиқдир.

⁸ Качественная юридическая помощь. Методология оценки и контроля. М.: Институт «Право общественных интересов» (PILI), 2008. С. 11.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 йил
2. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатлар тўғрисида”ги қонуни 27.12.1996 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.29.08.1996 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.29.08.1996 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8.12.1992 йил
6. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни 27.12.1996 йил

Илмий журнал ва газеталар:

1. Панченко В. Ю. Подходы к понятию «юридическая помощь» в современном отечественном правоведении / В. Ю. Панченко // Российский юридический журнал. — 2012. — № 1 (82).
2. Штырина Н. С. Договор возмездного оказания юридических услуг / Н. С. Штырина // Viascientiarum – Дорога знаний. — 2018. — № 2.
3. Качественная юридическая помощь. Методология оценки и контроля М.: Институт «Право общественных интересов» (PILI), 2008.